

Болалигимни кўмсайвераман, кўмсайвераман... Ичкиб-ичкиб согинаман... Вахоланки, у замонларда хаёт енгил бўлмаган. Уйлар полсиз, кишда печка топилса, кўмир топилмайди. Ўтин ёксанг, бир ловуллаб иситади-ю, яна тафти сўнади. Сандалнинг ахволи ҳам шу. Кор ёки ёмгир ёгса, томдан чакка ўтгани-ўтган, сув томчилаётган жойларга териб кўйилган турли идишлардан таралган “чак-чук”, “тиринг-тиринг”ларга кўринмас ажиналар ўйин тушаётгандек.

Иложи борича кундузи дарс тайёрлашга уринардим. Коронгига колсанг, керосин иси анкиб турадиган лампа-чирок кўзларингни толиктиргандан толиктириб ташлайди. Эндигина пайдо бўлган электр чироклари ойида уч-тўрт йилтиллаган бўлади, шундаям шамдан хира. Бу етмагандек, умумий килиб солинган кўрпада каторлашиб ётган опа-укаларинг: “Чирокни ўчир, ухла”, деб тихирлик кила бошлашади.

Иккинчи жахон уруши укубатларидан эндигина кутулган хонадонларнинг кўпчилиги анча кашшок эди. Махаллада ёппасига тупроктом уйлар, кўпининг хатто айвони ҳам йўк. Фалончи томига шифер ёпганмиш дейишса, одамлар атайлаб кўргани боришарди. Кўчалардан дам иккала гилдираги девор бўйи келадиган кўконарава, дам ўрислар “бричка” деб атайдиган тўрт гилдиракли кўтакарава ўтиб қолади. Кейинрок кўш отли “хаптакач”лар кўпая борди. Бир сакраб, кенг юкшотининг четига осилиб олсанг, ана мазза, мана мазза. Колхозимиздаги иккита “полатўрка” юк машинасидан бири ёки хусусий мотоцикллар хафтада бир-икки бор кўзга чалиниб турарди, кий-чув кўтариб, ортидан чопкиллашга тушардик. Енгил машина учраб колса-ку, байрам бўлиб кетарди. Лекин қандайдир “сирли катталар”ни олиб юрадиган бу машиналарга осилиш тугул, югуриб қувлашга ҳам хаддимиз сигмасди.

Оиламиз ўзига тўккина эди. Аммо, кўпчилик кўшниларникига кирганимда, дастурхонларида чой-нон, туршак-кокилардан бўлак нарса йўклигини кўриб, галати бўлиб кетардим. Бундай хонадонларда яшовчи ўртоқларимнинг бир унисини, бир бунисини уйимизга тез-тез бошлаб кирардим, бирга овкатланардим, дастурхонга канд ҳам кўйишларини талаб килиб туриб олардим. Сен кандни хар куни ейсанми, дея хавас билан сўраб кўярди болалар. Хохласам, кунига ўн марта ейишим мумкин бўлса-да, негадир ёлгон гапириб, онда-сонда беришади холос, деб гарибланар эдим. Ок кандни-ку мандан аяшмас эди, бироқ гулдор коғозчаларга ўралган попукли кандларни кутичада кулфлаб саклашар, гох кулфбузарлик килишга мажбур бўлиб, бошимга бало орттирардим. Мехмонлар келганда, олдиларига товокчалардаги ширинликларни териб ташлашса, катта бўлиб мехмонга борсам, нахотки менинг олдимга ҳам попукли кандларни товокчаси билан ишониб кўйиб кўйишса, деб ўйлардим. Биламан, егинг келиб турибди, олифталанмасдан лунжинга тикавермайсанми, деган хаёлда мехмонга хитланиб бокардим

\* \* \*

Кўшни махалладаги мачит биноси ўртасига дувол урилган тарзда иккита синф хонасига мослаштирилган бўлиб, биттасида бешинчи синфгача биз ўкиганмиз. Биринчи ўқитувчимиз Ахмадали Обидийни “мулла ака” деб чакирардик. У зот бирортамизни турткилаш у ёқда турсин, каттик чакчайганини ҳам эслолмайман. Аччигини келтирсак, ўзини каттик хафа бўлгандек, астойдил аразлагандек тутиб, оксокланганича дераза

ёнига борар, маъюс киёфада жим туриб колар, сочига ок оралаган, хеч кимга озор беришни истамайдиган домламиз билан тезрок ярашиб олишга тиришардик. Бошлангичда ўкиётган чоғларимда Захрахон деган синглим, Хомитжон деган укам каттик шамоллашдан бирин-кетин вафот этишган. Улар кайта-кайта тушимга кираверарди...

Чамаси, болалигимни хадеб кўмсайверишимнинг асосий сабаби ҳам шу – ўша даврларга кайтсам-у, Захрахон билан Хомитжон ёнимда диконглаб юришса, хамма ишни йигиштириб кўйиб, уларни ўйнатаверсам, ўйнатаверсам. Улар вафот этадиган пайт якинлашгач, хаётим яна янгитдан бошланаверса.

\* \* \*

Бобомиз Бахром ота эшон бўлган эканлар. Уйда мактаб очиб, болаларга дарс бериб хам тураркан. У киши оламдан ўтганларида, Обиджон дадам ўн ёшда, Шафоат аммам беш ёшда бўлишган экан.

Сарвинисо бувимизни эшон отанинг аёли сифатида хурматлашиб, кўплар зиёратга келиб туришар, отин ойилар тез-тез йигилиб, китобхонлик килишарди. Хали мактабга бормаган бола бир четда ёнбошлаб олиб, девона Машраб, Або Муслим, бобо Равшан кабилар хакидаги ривоятларни берилиб тинглардим.

Дадам эскича илмдан хабардор бўлсалар-да, диндорлар, айникса таникли диндорларнинг фарзандлари хам каттик кузатув остида бўлган махалларда улгайгани учун замонга мос турмуш тарзини танлаган эдилар. Сиёсатга кизикканларини билмайман. Эсимни таниганимдан то илк ўсмирлик давримгача пахта кабул килиш пунктида товаршунос бўлиб ишлаган. У киши ўз ишининг ўта билимдони эканлиги, бошка жойлардаги касбдошлари маслахат олишга келиб туришлари тўғрисида кўп гапиришарди.

Онамиз Мунис ая хозир биркам тўксондалар. Ёшлигида далага ялангоёк катнаб, колхознинг битта нони, бир коса ёвгоншўрваси эвазига сахардан кечгача ишлаганини бот-бот эслаб туришади. Бизнинг назаримизда аямиз хамон кийимимизни ювиб, олдимизга овкат кўйиб, бир тергаб, бир эркалатиб юргувчи ўша-ўша уй бекаси. Бувимизга ука бўлмиш Усмон тогамиз сал дувонахонлиги боис уйланмасдан, бизникида яшаб ўтдилар. Бирин-кетин кўтариб катта килгани учун у кишини хаммамиз жуда-жуда яхши кўрардик. Тогажонимиз вафот этганида ўсмир эдим, нимага йигляяпсиз, деб аямга дагдага килганим ёдимда.

Дадам 1969 йилда харбийдан кайтишим биланок мени уйлантириб, уч ойдан сўнг оламдан ўтдилар. У кишидан саккиз фарзанд колган, уч опам, тўрт укам бор. Опаларим аллакачон дадамнинг ёшидан ўтиб кетишди. Шунини биламан, ишонгим келмайди.

\* \* \*

Шеър ёзишга бошлангич синфлардаёк ружу кўйганман. Дастлабки шеърларим ўша отин ойилардан эшитган Машраб газаллари радифларига таклидан битганман. “Гунча” журналининг мухлисига айланганимдан сўнг болаларга тинимсиз ёзишга тушдим. Шу журналда ишловчи Миразиз Аъзам домла мени кулогимдан торткилаб шоир килган, йўкса, бу хавасдан ўшандаёк кўнглим совиб, бошка ёкка чалгиб кетишим хеч гап эмасди. Ўсмирлигимда дадамнинг ишлари сал оркага кетиб, оиламизга етишмовчиликлар оралаб

колди. Аямиз яхшигина чевар эдилар, ёзда кител, кишда пахтали камзул тикиб сотиб, рўзгорнинг камини ёпиб юришди. Менда ҳам тирикчилик ташвиши эртарок бошланди, олти-еттинчи синфларда махаллалар ахолисига текин хизмат кўрсатувчи сайёр киночига шогирд тушдим, кейинрок кечки мактабда ўкиб, пахта заводида трактор миндим. Мактабни битиргач, кўргошин конида бургиловчи, кишлоқ кутубхоначиси бўлдим, Самарканд Молия техникумини тугатиб, аскарликка кетдим. Уч йиллик хизматдан кайтганимдан сўнг, тўнгич ўғил бўлганим учун, отасиз оиланинг бошлигига айландим. Колхозда табелчи бўлиб иш бошладим.

Шундай хилма-хил хаёт, шунча ташвишнинг ичида юриб, шеър ёзишдан барибир кўнглим совимади. Дафтарларим кетма-кет тўлаверди. Туман газетасига мухбирликка ўтганимдан кейин hozирги Миллий университетнинг журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирдим-у, ниҳоят ўзим кўпдан орзулаб юрган йўлнинг бошига чикиб олдим. Болаларга аталган “Она Ер” номли биринчи китобим бахтимга энди “Ёш гвардия” нашриётида ишлаётган Миразиз Аъзам домланинг саховати билан 1974 йилда босилиб чиқди.

Туман газетасида олти йилча ишлаб, бирон-бир газета-журнал ёки нашриётга ўрнашиб олиш умидида бошкентга келдим, лоакал олдин мусаххихликка ҳам лойик кўришмагач, Тошкент ёг-мой комбинатида богбон бўлиб жойлашдим. Тошкентга курук хою хавасга эргашиб эмас, пухта hozирлик билан келиш лозимлигини англаб, яна кишлокка кайтдим. Фаргона радиосидан иш беришди. 1980 йилда “Ёш гвардия”да “Бахромнинг хикоялари” деган иккинчи китобим босилгач, шу ерда бош мухаррир бўлиб ишловчи устоз Эркин Вохидов хузурига чакириб, китобингизни ўкиб хурсанд бўлдим, бизга ишга келмайсизми, деб колдилар. Ёшим ўттиз тўртда эканлиги, бешта фарзандим борлигига карамай, 1981 йилнинг ёзида нашриётга келиб иш бошладим. Насиб экан, кейинчалик “Ёш куч”, “Муштум” журналларида, Чўлпон номидаги нашриёт, Ўзтелерадиокомпания тармогида ҳам ишладим.

Hozиргача ўттизга якин китобим чоп этилди, бир неча пьесаларим сахналаштирилди, айрим асарларим асосида болалар учун кинолар яратилди...

Хаётимнинг бу ёкдаги кисми хакида кўп гаплар айтилган, ёзилган, чўзгилашнинг хожати йўқ деб ўйлайман. Энг мухими, юртимнинг эркини кўрдим, энг катта армондан халос бўлдим.

Бошимдан нималар кечган бўлмасин, барибир яхши яшадим. Нимаики кўрсатган бўлса, Яратгандан минг марта розиман. Имкон кадар сабрли бўлишга, борида шукрона айтишга уриниб келдим. Тўгриси ҳам шу экан.

Хаёт давом этаяпти. Феъллим эса, ўша-ўша – болалигимни кўмсаб-кўмсаб тураман. Бу менга ички куч ато этаверади.

Анвар Обиджон

**ШОИР ХАКИДА**

Анвар Обиджон 1947 йил 8 январда Фаргона вилоятининг Олтиарик туманидаги Полосон кишлогида тугилган.

Кишлогидаги 13-мактабда ўқиб юрган даврларида “Гунча” журналида дастлабки шеърлари эълон қилинган. Мактабни битиргач, Самарканд Молия техникумида тахсил олди, харбий хизматда бўлди, колхозда ишлади, туман газетасига мухбир бўлиб ўтди, хозирги Миллий университетнинг журналистика факультетини сиртдан тугаллади. Тошкентдаги фаолиятини “Ёш гвардия” (хозирги “Янги аср авлоди”) нашриётида ишлашдан бошлади. Сўнг “Ёш куч”, “Муштум” журналлари, Чўлпон номидаги нашриёт, республика телерадиокомпаниясида ишлади.

Шу пайтгача шоирнинг “Она Ер”, “Бахромнинг хикоялари”, “Эй, ёруг дунё”, “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Масхарабоз бола”, “Кетмагил”, “Безгакшамол”, “Жуда кизик воқеа”, “Аканг карагай Гулмат”, “Ерликлар”, “Дахшатли Мешполвон”, “Олтин юракли Автобола”, “Аламазон ва Гулмат”, “Булбулнинг чўпчаклари”, “Алишер ила Хусайн ёки уч доно ва ўғри”, “Ўк ўтмас болакай”, “Танланган шеърлар”, “Ўғирланган пахлавон” сингари ўттизга яқин китоби чоп этилди. Шунингдек, “Кўнгирокли ёлгончи”, “Ўғирланган пахлавон”, “Коринботир”, “Тўтикул”, “Наврўз ва Бойчечак”, “Аламазон ва унинг пиёдалари” каби пьесалари сахналаштирилган. Асарлари асосида “Тилсимой” ва “Мешволпон” фильмлари суратга олинган.

Анвар Обиджон 1998 йилда Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлган.